

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.QX.126.01 - РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАНАЗАРОВ ҒАЙРАТ ХУСАНОВИЧ**

**ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРДАН НАЪМАТАК, ХЎЖАҒАТ ВА  
ҚОРАҒАТЛАРНИНГ ЗАМБУРУҒЛАР ҚЎЗҒАТАДИГАН  
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2022**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Жуманазаров Гайрат Хусанович**

Доривор ўсимликлардан наъматак, хўжағат ва қорағатларнинг  
замбуруғлар кўзгатадиган касалликлари ва уларга қарши кураш  
чоралари ..... 3

**Жуманазаров Гайрат Хусанович**

Грибковые болезни лекарственных растений: шиповника, малины и  
смородины и меры борьбы с ними ..... 21

**Jumanazarov Gayrat Khusanovich**

Fungal diseases of medicinal plants: dog rose, raspberry and currants and  
control measures against them ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.QX.126.01 - РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАНАЗАРОВ ҒАЙРАТ ХУСАНОВИЧ**

**ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРДАН НАЪМАТАК, ХЎЖАҒАТ ВА  
ҚОРАҒАТЛАРНИНГ ЗАМБУРУҒЛАР ҚЎЗҒАТАДИГАН  
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx428 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.andoxai.uz](http://www.andoxai.uz)) ва «Zivonet» Ахборот-таълим порталида ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	<b>Зупаров Миракбар Абзалович</b> биология фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	<b>Алиев Шаввоз Каримович</b> қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент <b>Умурзоқов Элмурод Умурзоқович</b> қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	<b>ЎзРФА Генетика ва усимликлар экспериментал биологияси институти</b>

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 05/30.10.2020.Qx.126.01-рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «22» 07 соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй, АҚХАИ). Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail:agai [info@edu.uz](mailto:info@edu.uz); Андижон Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).


Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99874) 373-10-54

Диссертация автореферати 2022 йил «13» 07 кuni тарқатилди.

(2022 йил «13» 07 даги 20-рақамли реестр баённомаси).



  
**А.Исанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

  
**Г.Д.Рахматуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.ф.д.

  
**К.С.Комилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунё давлатларида 12 минг турдаги доривор ўсимликларнинг мингдан ортиғи фармацевтика саноатида ишлатилади. Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, мавжуд дори-дармонларнинг 60% ни доривор ўсимликлар хом ашёларидан олинган препаратлар ташкил этади. Шу сабабли доривор хусусиятга эга бўлган хўжағат ва қорағат ўсимликлари жоҳонда 251,2 минг гектар майдонда етиштирилади. “Дунё бўйича ФАО маълумотига кўра, доривор ўсимликлар ҳисобланган хўжағат ва қорағатдан 2020 йилда 1,58 млн. тоннадан ортиқ ҳосил олинган. Ушбу доривор ўсимликларни етиштириш бўйича Россия Федерацияси биринчи ўринда туради ва мазкур давлатда 2020 йилда 618,90 минг тонна ҳосил олинган бўлса, ундан кейинги ўринларда Польшада 268,20 минг тонна, Мексикада 146,35 минг тонна, Сербияда 118,67 минг тонна, АҚШ да 100,69 минг тонна етиштирилган, ҳосилнинг қолган қисми эса бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади”<sup>1</sup>. Мазкур давлатларда етиштириладиган хўжағат ва қорағатда катта иқтисодий зарар етказадиган касалликлар ҳосилнинг сифатига ва миқдорига салбий таъсири ошиб бормоқда. Зарарнинг олдини олишда касалликнинг тарқалиши ва ривожланишини аниқлаш, иқтисодий зарар миқдор мезонига асосланган ҳолда кураш усуллари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда доривор ўсимликларнинг *Sphaerotheca pannosa* (Wallr.) Lev. var. *rosae* Woron., *Phragmidium distiflorum* (Tode) James., *Leveillula saxifragacearum* Golov. f. *ribis* Golov., *Gloeosporium ribis* Mont. et Desm. замбуруғлари кўзғатадиган касалликлари туфайли наъматак, хўжағат ва қорағат ўсимликларининг ҳосилига сезиларли даражада хавф туғдирилмоқда. Бу замбуруғлар кўзғатадиган касалликлар таъсирида фақат ҳосил миқдори эмас, балки уларнинг товарлик сифати ҳам пасайиб кетиши сабабли, мазкур касаллик кўзғатувчи замбуруғларга қарши кураш агротехнологияларини яратиш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда охириги йилларда маҳаллий флорага мансуб доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик ҳолатни яхшилаш, плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш боросида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. “Маҳаллий флорага мансуб 4,3 мингдан ортиқ ўсимликларнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда”<sup>2</sup>. Улар орасида наъматак, қорағат ва хўжағат доривор ўсимликлари ўзига хос ўрин тутди. Бу ўсимликларда учрайдиган касалликлар уларни нафақат ҳосилини, балки сифатини ҳам пасайтириши кузатилган. Доривор ўсимликларни етиштиришни ташкил этишдаги мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўйича Жумладан, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш

<sup>1</sup>FAOSTAT, 2020; [www.fao.org](http://www.fao.org)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670 сонли “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори

бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга бағишланган 3.3-бандида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» масалалари алоҳида белгилаб қўйилган»<sup>3</sup>. Бу қарорларни амалга ошириш учун Республикаимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштирилаётган доривор ўсимликларнинг касалликларига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотлар муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4668-сон “Ўзбекистон Республикасида ҳалқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Доривор ўсимликлар наъматак, хўжағат ва қорағатнинг касалликлари бир қатор хориж олимлари томонидан батафсил ўрганилиб, АҚШ да Ф.Т.Врукс, Россияда О.Б. Натальина, А.А.Аблақатова, Н.А.Рябкова, Арманистонда Д.Н.Тетеревникова-Бабаян, Латвияда И.Я.Жербеле, Туркманистонда И.Ф.Фролов, Беларуссияда А.К.Гришанович, Украинада Е.В.Исаева, Польшада М.Луца, Голландияда R.E.Labrugire, Англияда L.G.Montgomerie, Венгрияда S.Kaszonyi, Қозогистонда Л.Д.Казенас, М.Т.Куликовалар, Ўзбекистон Республикаси шароитида наъматак, хўжағат ва қорағатда учрайдиган замбуруғлар тўғрисидаги маълумотлар асосан флористик кўринишида бўлиб, уларни Ф.А.Ахмедова, Н.И.Гапоненко, Б.Д.Клейнер ва С.С.Рамазановалар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Лекин, Ўзбекистонда наъматак, хўжағат ва қорағатларнинг касалликларини ва уларни кўзғатувчи замбуруғларни ўрганишга бағишланган махсус илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Агробиотехнология кафедрасининг №3-сон баённомаси билан тасдиқланган илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган №2.7 “Доривор ўсимликлар интродукцияси ва ўсимликларни ҳимоя қилишда биотехнологик усулларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2016-2020 йй).

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

**Тадқиқотнинг мақсади** доривор ўсимликлар – наъматак, хўжағат ва қорағат навлари ҳамда турларида замбуруғ кўзғатадиган касалликларини тур таркиби, тарқалиши, ривожланиши ҳамда келтирадиган зарарини, уларга қарши кураш чораларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

наъматак, хўжағат ва қорағатнинг замбуруғ кўзғатадиган касалликларини аниқлаш, уларнинг кўзғатувчиларини соф культурасини ажратиш ҳамда турини идентификация қилиш;

плантацияларда учрайдиган касалликларни доминант турларини, уларнинг тарқалиши, ривожланиши ва зарарини аниқлаш;

мазкур доривор ўсимликларида касаллик кўзғатадиган замбуруғларнинг патогенлигини аниқлаш;

доривор ўсимликларнинг замбуруғ кўзғатадиган касалликларга чидамли бўлган навларини аниқлаш;

доривор ўсимликларнинг касалликларига қарши кичик дала тажрибалари ва кенг майдонларда қўллаш учун рухсат этилган фунгицидларнинг турли меъёрларини аниқлаш;

доривор ўсимликларнинг плантацияларида касалликларга қарши фунгицидларнинг мақбул меъёрларини ва қўллаш муддатларини аниқлаш;

фунгицидларнинг биологик ва тавсия этилаётган кураш чораларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида наъматак (*Rosa L.*), хўжағат (*Rubus L.*) ва қорағат (*Ribes L.*) доривор ўсимликлари ва уларнинг навлари ҳамда уларда замбуруғлар кўзғатадиган касалликларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** доривор ўсимликларда касаллик кўзғатадиган замбуруғ турлари, уларнинг культурал-морфологик белгилари, келтирадиган зарари ва касалликларга қарши қўлланиладиган фунгицидлар.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда фитопатология ва микологияда келтирилган усуллар қўлланилган, доривор ўсимликларда касалликларни тарқалиши ва ривожланиши К.В.Попкова (1976) келтирган усуллар асосида ҳисоблаб чиқилди ҳамда касалликларни келтирган зарари А.Е.Чумаков ва Т.И.Захарова (1990) усуллари бўйича аниқланди, кўзғатувчи замбуруғларнинг турини аниқлашда М.А.Литвинов (1969), В.И.Билай (1977), Н.М.Пидопличко (1977, 1978), E.G. Simmons (2007) ва H.L. Barnett (1998) аниқлагичларидан фойдаланилди ҳамда замбуруғларнинг патогенлик хусусиятлари П.Н.Головин (1949) ва В.И. Билай (1973) усуллари ёрдамида ўрганилиб, фунгицидларнинг биологик ва иқтисодий самарадорликлари М.И.Дементьева (1985) келтирган усуллар асосида аниқланди ва тажриба натижасида олинган маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) бўйича математик-статистик таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилояти шароитида наъматак, хўжағат ва қорағатнинг замбуруғ кўзғатадиган касалликлари оптимал намлик ва ҳароратни ҳамда инфекция фондининг мавжудлиги туфайли касалликнинг тарқалиши (9,2-54,9%) ҳамда ривожланиши (3,6-32,6%) аниқланган;

наъматак, хўжағат ва қорағат доривор ўсимликларида учрайдиган ун-шудринг, занг, антракноз, фузариоз, септариоз ва доғланиш касалликларини таъсири натижасида ҳосилдорлик 8,3-25,0% га камайиши аниқланган;

Тошкент вилояти шароитида наъматакнинг ун шудринг касаллигини кўзғатувчи замбуруғининг клейстотетций мева танаси аниқланган;

*Alternaria alternate* (Fr.) Keissler замбуруғ тури Тошкент вилояти шароитида наъматакнинг қора доғланиш касаллигини кўзғатиши аниқланган;

наъматак, хўжағат ва қорағатда касаллик кўзғатадиган *S.pannosa*, *S.macularis*, *L.saxifragacearum*, *Fusarium sp.* замбуруғ турларининг патогенлик хусусиятлари аниқланган;

Замбуруғ кўзғатадиган касалликларга нисбатан қорағатнинг “Суюма”, “Рухсона”, “Узбекская сладкая”, “Ирода” навлари  $K_{и}4,8-5,2\%$ , хўжағатнинг “Прогресс” нави  $K_{и}0,4-1,0\%$  ва наъматакнинг “Даргумон” тури  $K_{и}2,8-6,6\%$  комплекс чидамлилики намоён қилиши аниқланган;

наъматак, хўжағат ва қорағатнинг ун-шудринг, занг, антракноз ҳамда фузариоз касалликларига қарши фунгицидларнинг энг макбул меъёрлари 0,6-0,7 л/га ҳамда қўллаш муддатлари (куртаклар ёзилгунча ва гуллашгача ҳамда дастлабки гул тугунчалари пайдо бўлганда ва гуллашгача) аниқланган;

наъматак, хўжағат ва қорағат доривор ўсимликларининг замбуруғ кўзғатадиган касалликларига қарши плантацияларда қўлланилган фунгицидларнинг биологик 87,1-91,7% ва иктисодий самарадорлиги 8400,0-20000,0 минг сўм/га аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

наъматак, хўжағат ва қорағатнинг замбуруғ кўзғатадиган касалликларини тарқалиши, ривожланиши ҳамда зарари аниқланган;

замбуруғ кўзғатадиган касалликларга чидамли бўлган доривор ўсимликларнинг навларидан плантацияларни барпо этиш тавсия этилган;

наъматак, қорағат ва хўжағатнинг ун-шудринг касаллигига қарши Цидели ТОП фунгицидининг 0,7 л/га, наъматакнинг занг касаллигига қарши Скальпель фунгицидининг 0,6 л/га меъёрини пуркаш, фузариоз касаллигига қарши Максим XL фунгицидининг 1,5 г/кг меъёри билан уруғларни экишдан олдин дорилаш, қорағатнинг антракноз касаллигига қарши Ридомил Голд МЦ фунгицидининг 2,5 кг/га меъёрини, хўжағатнинг септариози касаллигига қарши Рекс ДУО фунгицидининг 0,6 л/га меъёрини қўллаш тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория ва дала тажрибалари усулларидан фойдаланган ҳолда олинган маълумотлар бири-бирига мос келиши; тадқиқотларнинг таҳлил қилинганлиги, ўтказилган тажрибаларда республикамиз ва хориж мамлакатларида кенг ишлатиладиган, апробациядан ўтган усуллар қўлланилиши; келтирилган маълумотлар статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқотларда олинган натижалар ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги; тажрибалар ҳар йили университет олимлари томонидан апробациядан ўтганлиги; тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий анжуманларида муҳокама қилинганлиги, шунингдек мақола илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти наъматакда *Sph.pannosa*, *Ph.distiflorum*, *Fusarium sp.*, *A.alternata*, хўжағатда *Sph.macularis*, *S.rubi* ва қорағатда *Lev.saxifragacearum*, *G.ribis*, *T.vulgaris*, *S.ribis* замбуруғ кўзғатадиган касалликлари аниқланганлиги ва уларнинг тарқалиши, ривожланиши ҳамда зарарини ўрганилганлиги, касаллик кўзғатувчи замбуруғларнинг патогенлигини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касалликларга чидамли бўлган наъматакни Даргумон тури, қорғатни Ирода, Рухшона, Сиюма, Узбекская сладкая навлари ва хўжағатни Прогресс навларини плантацияларини ташкил этишга тавсия этилганлиги, касалликларга қарши фунгицидлар қўллашни мақбул муддат ва меъёрларини белгилаб берилганлиги ҳамда яхши натижаларни намоён қилган меъёрларини биологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Доривор ўсимликлардан наъматак, қорағат ва хўжағатнинг замбуруғ кўзғатадиган касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

наъматак, қорағат ва хўжағатларнинг ун-шудринг касаллигига қарши Цидели ТОП 140 д.к. фунгицидини 0,7 л/га меъёрида қўллаш технологияси “Бурчимулла давлат ўрмон хўжалиги” Чотқол бўлимида ва ТошДАУ хузуридаги Ахборот-маслаҳат маркази ДУК да, академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ва “ВВ Агро 1” ф/х да ҳамда “Кумушкон Бахт” ф/х да жами 7,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 02/025-3581-сон маълумотномаси). Натижада мос равишда 88,4%, 87,1%, 88,8% биологик самарадорликка эришилган ва мувофиқ холда 15,0, 17,5 ва 8,0 ц/га қўшимча ҳосил олинган, иқтисодий самарадорлик мос холда 11100,0 минг сўм, 20000,0 минг сўм ва 11000,0 минг сўмни ташкил этган;

наъматакнинг занг касаллигига қарши Скальпель 250 сус.к. фунгицидини 0,6 л/га меъёрида қўллаш ЎзР ФА Ботаника институтининг хузуридаги академик Ф.Н.Русанов номидаги Тошкент ботаника боғида жами 1,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 02/025-3581-сон маълумотномаси). Натижада 88,2% биологик самарадорликка эришилган ва 15 ц/га ҳосил сақлаб қолинган, иқтисодий самарадорлик 11350,0 минг сўмни ташкил этган;

наъматакнинг фузариоз касаллигига қарши Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к. фунгицидини 1,5 мл/кг сарф меъёрида қўллаш ТошДАУ хузуридаги Ахборот-маслаҳат маркази (Extension center) ДУК да жами 0,5 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 02/025-3581-сон маълумотномаси). Натижада 91,7% биологик самарадорликка эришилган ва 20% кўчатлар сақлаб қолинган;

қорағатнинг антракноз касаллигига қарши Ридомил ГОЛД МЦ 68% с.д.г фунгицидини 2,5 кг/га меъёрида қўллаш “Кумушкон Ботирали” ф/х да жами 1,0 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020

йил 2 ноябрдаги 02/025-3581-сон маълумотномаси). Натижада 18,7% ҳосил сақлаб қолинган ва 89,2% биологик самарадорликка эришилган;

хўжағатнинг оқ доғланиш ёки септориоз касаллигига қарши Рекс ДУО 49,5% сус.к. фунгицидини 0,6 кг/га меъёрини қўллаш “Кумушкон Голд” ф/х га қарашли 1,0 га майдонга жорий этилди (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 02/025-3581-сон маълумотномаси). Натижада 87,7% биологик самарадорликка эришилган ва 17,4% ҳосил сақлаб қолинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 13 та илмий иши чоп этилган, жумладан, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалиёт натижалари, амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Наъматак, хўжағат, қорағатнинг аҳамияти, биологик хусусиятлари, касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари (Адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, дунёдаги етакчи олимлар илмий ишларининг натижалари, наъматак, хўжағат, қорағат касалликларининг ўрганилганлиги, касалликларнинг тарқалиши, зарари, кўзғатувчилари ва уларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ҳамда бу касалликларга қарши кураш чоралари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш жойи, объектлари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, унинг материаллари ва усуллари бўйича маълумотлар берилган.

Доривор ўсимликлар – наъматак, қорағат ва хўжағатларнинг касалликларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар 2017-2020 йилларда Тошкент вилоятининг Қибрай, Паркент, Бўстонлик, Юқоричирчик ҳамда Тошкент туманларидаги хўжаликларда вегетацион ва кичик дала тажрибалари ўтказилди ҳамда лаборатория тажрибалари ТошДАУнинг “Агробиотехнология” кафедрасида олиб борилди. Наъматак, қорағат ва

хўжағат ўсимликлари касалликларининг тарқалиши ва ривожланишининг ўртача даражалари ВИЗР қўлланмасида (Чумаков ва бошқ., 1974) келтирилган формулалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилди. Бу доривор ўсимликларнинг касалликларга чидамлилигини баҳолаш ҳамда уларнинг касалликларини зарарини аниқлаш А.Е.Чумаков ва Т.И.Захарова (1990) келтирилган усуллар асосида топилган.

Наъматак, қорағат ва хўжағатнинг зарарланган аъзоларининг намуналарини олиш, замбуруғларнинг соф культураларини ажратиш ва уларнинг микроскопик белгиларини ҳамда патогенлик хусусиятларини ўрганишда микологияда ва фитопатологияда (Головин, 1949; Билай, 1973) умумқабул қилинган усуллар қўлланилди.

Касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг турлари, уларнинг микроскопия жараёнларида кузатилган белгиларини аниқлагичлардаги (Пидопличко, 1977 а, б, 1978; Литвинов, 1969; Билай, 1977; Simmons, 2007; Barnett, 1998 ва Ҳасанов ва б., 2010) диагностик параметрлар билан солиштириш орқали идентификация қилинган.

Касалликларга қарши қўлланилган биопрепарат ва фунгицидларнинг биологик самарадорлиги ВИЗР (Дементьев, 1985) ва ЎЗР Давлат Кимё комиссиясининг (Хўжаев Ш.Т ва б., 2004) услубий кўрсатмаларига биноан ҳисоблаб чиқилган.

Диссертациянинг «Тошкент вилояти шароитида наъматак, қорағат ва хўжағатларнинг замбуруғлар қўзғатадиган касалликлари, уларни тарқалиши, ривожланиши ҳамда зарари» деб номланган учинчи бобида бу доривор ўсимликларда замбуруғлар қўзғатадиган касалликларининг тарқалиши, ривожланиши ва зарарини аниқлаш бўйича кузатувларнинг натижалари келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал.

**Наъматак, хўжағат ва қорағат ўсимликларида қайд этилган касалликлар ва касаллик қўзғатувчилари.**

№	Аниқланган касаллик қўзғатувчи замбуруғ тури	Қўзғатадиган касаллик номи	Экин тури
1	<i>Sphaerotheca pannosa</i> (Wallr.) Lev. var. <i>rosae</i> Woronich.	Ун-шудринг	Наъматак
2	<i>Phragmidium distiflorum</i> (Tode) James.	Занг	Наъматак
3	<i>Marssonina rosae</i> (Lib.) Died.	Доғланиш	Наъматак
4	<i>Alternaria alternata</i> (Fr.) Keissler.	Доғланиш	Наъматак
5	<i>Fusarium</i> sp.	Фузариоз	Наъматак
6	<i>Leveillula saxifragacearum</i> Golov. f. <i>ribis</i> Golov.	Ун-шудринг	Қорағат
7	<i>Sphaerotheca mors uvae</i> (Schw.) Berk. et Curt.	Ун-шудринг	Қорағат
8	<i>Gloeosporium ribis</i> (Lib.) Mont. et Desm.	Антракноз	Қорағат
9	<i>Septoria ribis</i> Desm.	Септариоз	Қорағат
10	<i>Tubercularia vulgaris</i> Tode.	Навдаларни қуриб қолиши	Қорағат
11	<i>Septoria rubi</i> West.	Септариоз	Хўжағат
12	<i>Sphaerotheca macularis</i> Magnus.	Ун-шудринг	Хўжағат

Наъматак ўсимлигида замбуруғлар қўзғатадиган касалликларни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари Тошкент вилоятининг “Улуғбек боғлари” ф/х да, БДЎХ Чотқол бўлимида, ТошДАУ ҳузуридаги АММ ДУК

ва Тошкент ботаника боғининг наъматак экилган далаларида ўтказилган ҳамда бу ўсимликда кенг тарқалган замбуруғлар кўзгатадиган ун-шудринг, занг, фузариоз ва доғланиш касалликлари қайд этилган.

**Ун-шудринг касаллигини** йиллар бўйича наъматакда учраши таҳлил қилинганда 2017 йилда касалликнинг тарқалиши 70,8-79,3% гача, ривожланиши эса 22,7-29,8% бўлиши аниқланди. Бу кўрсаткич 2018 йилда мос равишда 10,2-71,0% ва 3,6-13,1% га тенг бўлди, 2019 йилда эса 12,6-81,9% ва 5,1-32,6% ни ташкил этди. 2019 йилда бошқа йилларга нисбатан баҳорда ёғингарчилик кўпроқ бўлиши касалликни кўпайишига сабабчи бўлиши мумкин.

Наъматак ўсимлигида ун-шудринг касаллигини тарқалиши ва уни зарари БДЎХ Чотқол бўлимида нисбатан кўпроқ (77,4%) бўлиб, касаллигининг ривожланиши барглarda 31,8%, новдасида 13,3%, гулида 3,7% бўлиши қайд этилди ва ҳосилни йўқотилиши 22,7% га тенг бўлди. Тошкент ботаника боғида бу кўрсаткич мос равишда 23,0%, 10,6% ва 2,5% ни ташкил этди ҳамда бу ерда касаллик туфайли 18,0% ҳосил йўқотилди. Бундай кўрсаткич “Улуғбек боғлари” ф/х да мувофиқ равишда 19,2%, 11,5% ва 3,1% га тенг бўлди ҳамда 14,5% ҳосил касаллик таъсирида йўқотилганлиги қайд этилди.

Наъматак уруғидан чиққан ниҳолларда касалликнинг тарқалиши 16,3-37,8% ва ривожланиши 8,0-13,8% бўлганида, кўчатларнинг ўсиши ва ривожланиши соғломларга нисбатан 1,6-8,2% га орқада қолиши ҳамда бир тупдаги барглар сонини 10,3-17,2% камроқ бўлиши кузатилган.

**Наъматакда занг касаллигини** тарқалишининг юқори кўрсаткичи БДЎХ Чотқол бўлимида кузатилди. Бунда касалликнинг тарқалиши 46,8-54,9%, ривожланиши эса 20,9-26,3% бўлганлиги қайд этилган.

Касалликни бошқа хўжаликларга нисбатан камроқ бўлиши “Улуғбек боғлари” ф/х да аниқланган, унда касалликнинг тарқалиши 31,8-38,4%, ривожланиши 14,5-17,2% бўлган. Бу кўрсаткич ТошДАУ хузуридаги АММ ДУК нинг тажриба хўжалигида мос ҳолда 34,3-42,0% ва 15,2-19,0% бўлса, Тошкент ботаника боғида 34,2-45,5% ва 15,8-20,1% ни ташкил этган.

БДЎХ Чотқол бўлимида занг касаллигини кўпроқ кузатилганлиги, бу хўжалик жойлашган тоғли зонада текисликка нисбатан харорат ва намликни занг касаллигини ривожланиши учун қулай бўлганлиги билан боғлиқ бўлиши керак. Бу ерда занг касаллигини тарқалиши 50,7%, ривожланиши барглarda 20,1%, новдаларда 16,2 ва гулбандларда 7,8% бўлганида наъматакнинг ҳосилини йўқотилиши 18,2% бўлган. Бундай кўрсаткич Тошкент ботаника боғида мос ҳолда 39,5%, 17,8%, 15,1% ва 7,2% бўлганида 12,5% ҳосил йўқотилган. “Улуғбек боғлари” ф/х да мазкур кўрсаткич мувофиқ равишда 35,0%, 15,7%, 14,5% ва 6,3% бўлганлиги қайд этилган ҳамда йўқотилган ҳосил 10,0% га тенг бўлган.

**Наъматакнинг фузариоз касаллигини** тарқалиши ва ривожланиши 2019 йили бошқа йилларга нисбатан кўпроқ, яъни унинг тарқалиши 17,6-40,1%, ривожланиши 5,5-19,2% бўлганлиги аниқланган. Бунинг асосий сабаби, юқорида айтилганидек, бошқа йилларга нисбатан 2019 йилда ёғингарчиликни икки баробар кўпроқ бўлганлигида деб ҳисоблаш мумкин.

Фузариоз касаллигини кўрсаткичи ҳам БДЎХ Чотқол бўлимида юқори бўлган ва ҳосил ҳам нисбатан кўпроқ йўқотилган.

**Альтернариоз ёки қора доғланиш касаллиги** БДЎХ Чотқол бўлимида кўпроқ учраши аниқланган. Бунда унинг тарқалиши 43,0% ва ривожланиши 25,0% бўлган. Бу кўрсаткич Тошкент ботаника боғида мос ҳолда 37,0% ва 21,6%, “Улуғбек боғлари” ф/х да 22,0% ва 14,7% бўлиши кузатилган.

Наъматакнинг қора доғланиш касаллигини ҳам бошқа касалликлар сингари БДЎХ Чотқол бўлимида кўп бўлиши аниқланган.

**Қорағатнинг ун-шудринг касаллигини** Тошкент вилояти хўжалиқларида 2017-2019 йиллар давомида ўрганилганда, касалликнинг тарқалиши ва ривожланиши 2018 йили нисбатан юқори бўлиб, унинг бу кўрсаткичи мос ҳолда 33,1-49,8% ва 18,4-27,1% га тенг бўлган. Мазкур кўрсаткич 2017 йилда мувофиқ равишда 26,4-42,3% ва 15,2-24,1%, 2019 йилда эса 25,6-41,2% ва 14,2-23,1% ни ташкил этган. Қорағатнинг касаллик туфайли йўқотилган ҳосили 12,0-20,0% га тенг бўлган. Бунда М.Мирзаев номидаги БУВИТИ да 20,0%, “ВВ Agro 1” ф/х да 18,0%, “Кумушкон Голд” ф/х да 15,7% ва “Кумушкон Ботирали” ф/х да 12,0% ҳосил йўқотилганлиги қайд этилган.

Қорағатнинг ун-шудринг касаллигини М.Мирзаев номидаги БУВИТИ да бошқа хўжалиқларга қараганда кўпроқ тарқалиши ва ҳосилни нисбатан кўпроқ йўқотилиши бу ерда экилган қорағат навига ўтказилган агротехник чораларга ва касалликка қарши амалга оширилган тадбирларни сифатига боғлиқ бўлиши мумкин.

**Қорағатда антракноз касаллигининг тарқалиши ва ривожланиши** бошқа йилларга қараганда 2019 йилда кўпроқ бўлганлиги қайд этилган, яъни бу кўрсаткич мос ҳолда 20,8-36,4% ва 11,6-20,2% га тенг бўлган. 2017 ҳамда 2018 йилларда антракнознинг тарқалиши 20,5-34,9% ва 20,0-33,5% бўлган бўлса, унинг ривожланиши эса 11,4-19,4% ва 11,1-18,6% ни ташкил этган. 2019 йилда қорағатни касаллик билан кучлироқ зарарланишига бошқа йилларга нисбатан ёғингарчиликни кўпроқ бўлганлиги сабабчи бўлиши мумкин.

Антракноз касаллиги туфайли энг кўп ҳосил “Кумушкон Ботирали” ф/х да (20,0%) ва энг кам ҳосил “ВВ Agro 1” ф/х да йўқотилганлиги (10,7%) аниқланган. Қорағат ҳосилини йўқотилиши “Кумушкон Голд” ф/х да 18,8% ва М.Мирзаев номидаги БУВИТИ да 16,7% ни ташкил этган.

**Қорағатнинг оқ доғланиш ёки септориоз касаллигини** нисбатан юқори кўрсаткичи ва ҳосилни кўпроқ йўқотилиши “ВВ Agro 1” ф/х далаларида қайд этилган. Бу ерда касалликни тарқалиши 44,0% ва ривожланиши 24,4%, ҳосилни йўқотилиши эса 20,8% бўлганлиги аниқланган. М.Мирзаев номидаги БУВИТИ да касалликни тарқалиши 32,0%, ривожланиши 16,9% ҳамда йўқотилган ҳосил 15,4% бўлганлиги кузатилган. Бу кўрсаткич мос равишда “Кумушкон Голд” ф/х да 22,0%, 12,5% ва 15,6%, “Кумушкон Ботирали” ф/х да 18,0%, 10,7% ва 13,3% бўлганлиги қайд этилган.

Септориоз касаллигини кўп учраши ва ҳосилни кўп йўқотилиши “ВВ Агро 1” ф/х да кузатилган мазкур ҳолат бу ерда ўтказилган агротехник ишловга, касалликка қарши олиб борилган кураш чораларига ҳамда экилган қорағат навига боғлиқ бўлиши керак.

**Қорағат новдаларининг қуриб қолиш касаллигини** энг кўп учраши М.Мирзаев номидаги БУВИТИ нинг қорағат экилган даласида қайд этилган бўлиб, унда касалликнинг тарқалиши 30,2-33,2%, ривожланиши 15,9-17,5% ни ташкил этган. Қолган хўжаликларда бу кўрсаткич, мос ҳолда “ВВ Агро 1” ф/х да 23,9-28,1% ва 12,6-14,8%, “Кумушкон Голд” ф/х да 21,7-23,8% ва 11,4-12,6%, “Кумушкон Ботирали” ф/х да 20,5-22,2% ва 10,8-11,7% га тенг бўлган. Касаллик таъсирида ҳосилни нисбатан кўп йўқотилиш ҳам М.Мирзаев номидаги БУВИТИ да кўп бўлиб, 21,2% ҳосил йўқотилган. Бу кўрсаткич “ВВ Агро 1” ф/х да 18,5%, “Кумушкон Голд” ф/х да 16,7% ва “Кумушкон Ботирали” ф/х да 12,9% бўлганлиги қайд этилган.

Касалликни учраши М.Мирзаев номидаги БУВИТИ да кўп бўлиши ва ҳосилни нисбатан кўп йўқотилиши бу хўжаликда деҳқончилик маданиятини етарли даражада эмаслигига боғлиқ бўлса керак.

**Хўжағатнинг оқ доғланиш ёки септориоз касаллигини** тарқалиши ва ривожланишида хўжаликлар бўйича кескин фарқ сезилмаган. “ВВ Агро 1” ф/х даги касалликни тарқалиши 26,7%, ривожланиши 22,5%, “Кумушкон Голд” ф/х да бу кўрсаткич мос ҳолда 33,3% ва 27,5%, “Кумушкон Бахт” ф/х да эса 36,2% ва 28,4% бўлганлиги қайд этилган. Бу касаллик таъсирида 8,3-14,3% гача ҳосилни йўқотилиши аниқланган. Мазкур кўрсаткич “ВВ Агро 1” ф/х да 8,3%, “Кумушкон Голд” ф/х да 13,6% ва “Кумушкон Бахт” ф/х да 14,3% бўлганлиги кузатилган.

“Кумушкон Бахт” ф/х да касалликнинг кўп бўлишига касалликка қарши амалга оширилган чоралар, агротехник тадбирлар ва экиш учун танланган навлар сабаб бўлиши мумкин.

**Хўжағат ўсимлигининг ун-шудринг касаллиги** нисбатан “ВВ Агро 1” ф/х да камроқ тарқалганлиги қайд этилган. Бу хўжаликда ун-шудринг касаллигини тарқалиши 12,5% ва ривожланиши 5,3% бўлганлиги кузатилган. Мазкур кўрсаткич мувофиқ равишда “Кумушкон Бахт” ф/х да 28,2% ва 22,7% ҳамда “Кумушкон Голд” ф/х да 31,4% ва 25,2% бўлган.

Бу касаллик туфайли “ВВ Агро 1” ф/х да нисбатан камроқ ҳосил йўқотилганлиги кузатилган ва бу кўрсаткич 10,9% ни ташкил этган. Касаллик таъсирида ҳосилни йўқотилиши “Кумушкон Бахт” ф/х да 20,0% ҳамда “Кумушкон Голд” ф/х да эса 22,7% га тенг бўлган. Бундай фарқ мазкур хўжаликларда экилган хўжағат навига, олиб борилган агротехник тадбирларга ва касалликка қарши амалга оширилган кураш чораларига боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «**Наъматак, қорағат ва хўжағатларда касаллик кўзғатувчи замбуруғларнинг патогенлик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида мазкур доривор ўсимликларда касаллик кўзғатувчи замбуруғларнинг патогенлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

**Ун-шудринг касаллигини** кўзғатувчи замбуруғлар билан сунъий зарарлантириш тажрибалари гултувакларга экилган уруғлардан униб чиққан ниҳолларда ўтказилган. Тажрибалар 2 та вариантда ўтказилган ва бунинг учун *Sphaerotheca pannosa* (Wallr.) Lev. var. *rosae* Woronich. кўзғатган ун-шудринг билан зарарланган наъматак (I-вариант) ва атиргул (II-вариант) аъзоларида ҳосил бўлган замбуруғ конидияларидан фойдаланилган.

Касалликни ниҳолларда тарқалиши I-вариантда 33,3% ва II-вариантда эса 33,3-66,7% бўлганлиги кузатилган. Касалликни баргларда тарқалиши эса I-вариантда 6,9-7,7% ва II-вариантда 6,8-20,5% ни ташкил этган. 15-суткага бориб барча ниҳолларда касаллик белгилари кузатилди ва унинг тарқалиши 100% бўлган. Касалликнинг баргларда тарқалиши I-вариантда 41,3-45,8%, II-вариантда 44,8-47,2% га тенг бўлган. 30-суткага бориб, бу кўрсаткич мос равишда 96,1-97,2% ва 97,7-98,7% бўлганлиги аниқланган. Назоратда, яъни наъматак ниҳоллари замбуруғлар билан зарарлантирилмаган вариантда касаллик кузатилмаган.

Тажрибаларда шундай хулоса қилинган: наъматакдаги бир турга ва шаклга мансуб бўлган ун-шудринг касаллигини кўзғатувчи замбуруғлар қайси тур ҳамда шаклдан ажратилганлигига қараб ўзига хос белгиларини намоён қилиши кузатилган ва инкубацион даври бўйича ҳам фарқ қилиши аниқланган.

**Қорағатга нисбатан ун-шудринг касаллигини кўзғатувчи замбуруғнинг патогенлигини** ўрганиш бўйича тажрибалар иккита вариантда ўтказилган. I-вариантда *Leveillula saxifragacearum* Golov. f. *ribis* Golov. замбуруғининг, II-вариантда *Sphaerotheca mors-uvae* (Schw.) Berk. et Curt. америка ун-шудринг касаллигини кўзғатадиган замбуруғнинг конидияларидан фойдаланилган. Назорат сифатида касаллик билан зарарлантирилмаган қорағат кўчатларидан фойдаланилган.

Қорағат кўчатларида касалликнинг илк белгилари зарарлантирилгандан сўнг 6-сутка ўтгач намоён бўлган. 9-суткада тажриба вариантларидаги барча кўчатлар касаллик билан 100% зарарланганлиги қайд этилган.

Ун-шудринг касаллигини ривожланиши 6-суткада I-вариантда 1,8-2,0% ва II-вариантда 1,4% бўлганлиги кузатилган бўлса, бу кўрсаткич 9-суткага бориб мос ҳолда 2,3-2,8% ва 1,9-2,2% бўлганлиги кузатилган. *Sphaerotheca mors-uvae* замбуруғи билан сунъий зарарлантиригандан сўнг 45 кун ўтгач бу вариантдаги барча кўчатлардаги барглар қуриган ва тўкилмасдан ўсимликнинг ўзида осилиб қолган. I-вариантдаги кўчатларнинг қуриб қолиш ҳолати зарарлантирилгандан сўнг 52-куни кузатилган ва кўчатларнинг барчаси кулранг тус олган. Касалликни ривожланиши учун зарур шароит бўлганида 50 кун ичида ёш кўчатлар бутунлай нобуд бўлиши аниқланган.

**Хўжағатнинг ун-шудринг касаллигини кўзғатувчи замбуруғнинг патогенлигини** ўрганиш бўйича амалга оширилган тажрибаларда қорағатга қўлланилган усуллардан фойдаланилган. Тажрибада хўжағатда ун-шудринг касаллигини кўзғатувчи *Sphaerotheca macularis* Magnus f. *rubi* Rehm. замбуруғининг конидиялари ишлатилган. Хўжағатни ун-шудринг

касаллигини кўзгатувчиси билан сунъий зарарлантиришда гултувакларда етиштирилган қаламчадан чиққан кўчатлардан фойдаланилган.

Хўжағатни сунъий зарарлантирилган кўчатларда касаллик белгилари улар зарарлантирилган кундан бошлаб 6 кун ўтгач юзага келганлиги аниқланган. 9 кундан сўнг эса касалликнинг тарқалиши 100% бўлган. Касаллик жадал ривожланиб, 30-куни унинг кўрсаткичи 27,2-29,9%, бу кўрсаткич 45-куни 59,7-61,1% бўлганлиги қайд этилган ва инкубацион даври 6 кун бўлган. Касаллик кўзгатувчисини ривожланиши учун оптимал шароитда (45 кун ичида) хўжағатнинг ўсиши тўхтаб қолган.

**Наъматакда фузариоз касаллигини кўзгатувчи замбуруғларнинг патогенлигини ўрганиш бўйича тажрибаларда *Fusarium* туркумига мансуб замбуруғ штаммларини соф культуралари буғдой донида кўпайтирилиб тупрокка солиб чиқилган.**

Тажрибани учинчи суткасида наъматакнинг гултуваклардаги униши 10,0-20,0% бўлган. Бу даврда касал ниҳоллар аниқланмаган. Наъматак уруғларини униб чиқиши 9-суткада тўхтаган. Уруғларнинг унувчанлиги 40,0-80,0% бўлган. Фузариоз касаллигининг ниҳоллардаги биринчи белгиларини пайдо бўлиши 10-суткадан бошлаб кузатилган ва бу кўрсаткич 10,0% ҳамда 16-суткада 10,0-40,0% бўлганлиги қайд этилган. Назорат вариантыда наъматак уруғини униши 70,0% бўлган ва бу вариантда фузариоз касаллиги қайд этилмаган. Фузариум замбуруғларига мансуб бўлган штаммлар наъматак уруғларида турли даражада касаллик кўзгатиши билан бир қаторда уруғларнинг унишига ҳам салбий таъсир қилиши тажрибалар натижасида аниқланган.

Диссертациянинг **«Наъматак, қорағат ва хўжағатларнинг касалликларига қарши кураш чоралари»** деб номланган бешинчи бобида, мазкур доривор ўсимликларнинг касалликларига қарши уларнинг навларини чидамлилигини ўрганиш ва замонавий фунгицидларнинг самарадорлиги ҳамда уларнинг ҳосилга таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

